Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 97 (8587).

21 май 1985 йил сешанба

Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСда

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС «Кам таъминланган пенсионерлар ва оилаларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш, ёлғиз гражданлар тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш соҳасида биринчи галдаги тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда қайд этиладики, КПСС XXVI съездининг қарорларига мувофиқ, болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтиришга оид социал тадбирлар комплекси амалга оширилди, ёлғиз оналарга берилаётган нафақалар кўпайтирилди, ишчи ва хизматчиларнинг қарилик ва инвалидлик пенсиялари оширилди. Меҳнатга лаёқатли пенсионерларнинг ва ёш болали аёлларнинг иктимоий ишлаб чиқаришда қатнашиши учун янада қулай шароитлар яратилди.

Шу билан бирга аҳолининг кам таъминланган категориялари, айниқса меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз гражданларнинг турмуш даражасини янада кўтариш вазифасининг ҳал этилиши уларнинг пенсия таъминотини яхшилаш, кексалар ва инвалидларга социал хизмат системасини ривожлантириш, болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар амалга оширилишини талаб қилади.

Қарорда 1985 йилнинг 1 ноябридан бошлаб колхоз аъзоларининг қарилик пенсияси минимал миқдорини 28 сўмдан 40 сўмга етказиш ҳамда шунга мувофиқ равишда инвалидлик юзасидан ва боқувчисидан жудо бўлган тақдирда бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорларини ошириш, шунингдек ўн йил муқаддам ишчилар, хизматчиларга ва уларнинг оилаларига ойига 60 сўм миқдорида тайинланган пенсияларни ошириб, ҳозирги вақтда худди шу касб ва малакадаги ходимларга тайинланаётган пенсиялар даражасига яқинлаштириш зарур, деб топилди.

Халқ депутатлари район (шаҳар) Советларининг ижроия комитетларига ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари орасидан бўлган жуда муҳтож ёлғиз пенсионерларга маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан пенсияларга қўшимча белгилаш ҳуқуқи берилди. Бу қўшимча миқдори пенсионерларнинг ҳақиқий моддий аҳволига асосланиб белгиланади. Бунда пенсия ва қўшимчанинг умумий миқдори ойига 50 сўмдан ошмаслиги керак.

Ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар орасида минимал миқдорда пенсия оладиган пенсионерларнинг врачлар рецептларига мувофиқ сотиб оладиган дори-дармонлари нарҳи 1985 йил 1 ноябридан бошлаб 50 процент чегирилиши жорий қилинади.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига пенсия олмайдиган ёлғиз гражданларга тайинланадиган ҳар ойлик нафақалар миқдорини ойига 30 сўмгача кўпайтириш топширилди.

Қариялар ва инвалидлар учун интернат-уйларни кенгайтириш тадбирлари белгиланди.

Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар муносиб хизмат қилиб, пенсияга чиққан меҳнат ветеранлари тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтиришлари, уларга зарур ёрдам беришлари, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди маблағлари ҳисобига меҳнат ветеранлари учун интернат-уйлар қуриш практикасини кенгайтиришлари лозим. Касаба союз, комсомол ва пионер ташкилотларининг ёлғиз кекса ва меҳнатга лаёқатсиз гражданларга ҳар томонлама ёрдам беришларини бутун чоралар билан ривожлантириш кўзда тутилади.

Колхозларнинг иттифоқ кенгашига кексалар ва инвалидлар учун колхозлараро ҳамда колхоз интернат-уйлари тармоғини янада ривожлантириш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга ошириш; шу муассасаларда яшаш шароитларини, медицина ва маданий-маиший хизматни яхшилаш тавсия қилинди.

Кексалар ва инвалидлар учун интернат-уйларда овқатланиш, дори-дармон ва бошқа эҳтиёжларга қилинадиган ҳаражат нормалари 1985 йил 1 ноябридан бошлаб 20 процент оширилади.

Арманистон ССР, Эстония ССР ва Иркутск областининг ёлғиз кекса гражданлар учун социал-маиший хизмат комплекси ва пенсионерларнинг меҳнат фаолияти учун хоналари бўлган махсус уй-жой биноларини қуриш соҳасидаги тажрибаси маъқулланди. СССР министрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига уй-жой қурилишига ажратиладиган маблағ ҳисобидан шундай уйлар қуришни ривожлантириш тавсия қилинди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кекса гражданларни айниқса ёрдамга муҳтож бўлган шундай гражданларни, ҳисобга олишни таъминлаш ҳамда уларга маиший хизмат, савдо корхоналари, умумий овқатланиш корхоналари, интернат-уйлар ва бошқа ташкилотлар орқали социал-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш топширилди. Мазкур кишиларга хизмат қилиш учун ишчи ва хизматчиларни ўриндошлик шартлари асосида жалб этишга, шу мақсадда пенсионерлардан, уй-рўзғор ишидаги аёллардан, студентлардан фойдаланиб, уларнинг меҳнатига тегишли ҳақ тўлашга рухсат берилди.

СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари союзининг ижроия комитетига инвалидларга, уруш ва меҳнат ветеранларига, шунингдек ёлғиз кекса ва меҳнатга лаёқатсиз гражданларга медицина ёрдами бериш, социал-маиший хизмат қилиш учун патронаж хизматини кенг ривожлантириш тавсия қилинди. Бу ишда социал таъминот, соғлиқни сақлаш органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари билан баҳамжиҳат иш олиб бориш яхшилансин.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларига бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг кексалар ва инвалидлар учун интернат-уйларни оталиққа олишини ташкил этиш топширилди. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга шундай интернат-уйларни жиҳозлаш ва ремонт қилиш учун социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди маблағларини белгиланган тартибда сарфлашга руҳсат берилди.

Қарорда ўн иккинчи беш йилликда болали оилаларга давлат ёрдамини кенгайтириш соҳасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади:

Кам таъминланган оилаларга тўланадиган нафақа болаларнинг 8 ёшигача эмас, 12 ёшгача қилиб белгиланди.

Бемор болани боқиш учун ҳақ тўланадиган отпуска муддати 14 кунгача узайтирилиб, амалдаги қонунга нисбатан қўшимча кунлар учун маошнинг 50 проценти миқдорида ҳақ тўланади;

муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига болалари учун белгиланган нафақа миқдори икки ҳисса оширилади;

ёлғиз оналар учун белгиланган нафақаларни олиш ҳуқуқи болалари бўлган, аммо боқувчисидан маҳрум бўлганлик юзасидан пенсия олмайдиган бева аёлларга ҳам жорий этилади.

СССР Госпланига, СССР Енгил саноат министрлигига, СССР Савдо министрлигига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига кекса кишиларнинг арзон халқ истеъмолига бўлган эҳтиёжлари ўрганилишини таъминлаш, шу моллари ишлаб чиқариш ва тақсимлашни планлаштириш чоғида айрим регионлардаги талаб-эҳтиёжни тўлароқ эътиборга олиш топшириғи берилди. Халқ депутатлари маҳаллий Советларига арзон халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиши ва сотилиши устидан контролликни ташкил этиш, бундан ёлғиз гражданларнинг эҳтиёжлари биринчи галда қондирилишини назарда тутиш вазифаси юклатилди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область ва район партия комитетларига кекса ва меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз гражданларнинг ҳамда болалари бўлган оилаларнинг талаб ва эҳтиёжларига эътиборни кучайтириш, уларга социал хизмат кўрсатиш соҳасидаги илғор тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш, уларга зарур турдаги ёрдам берилиши, кам таъминланган оилалар ва гражданларнинг моддий фаровонлигини янада яхшилашга оид тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши устидан доимий контроллик қилиш топширилди.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг Ҳиндистон «Пресс траст оф Индиа» (ПТИ) агентлиги мухбири билан суҳбати

Ҳиндистоннинг «Пресс траст оф Индиа» (ПТИ) ахборот агентлиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевга мурожаат этиб, саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

Ўртоқ М. С. Горбачев 18 май куни ПТИ агентлигининг Москвадаги мухбири С. П. К. Гуптани қабул қилиб, берилган саволларга жавобларни унга топширди.

Қуйида савол-жавоб тексти эълон қилинмоқда.

Савол: Бош министримиз Ражив Ганди билан бўлажак учрашув муносабати билан тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш нуқтаи назаридан Сиз Совет-Ҳиндистон муносабатларининг аҳволи ҳамда истиқболларини қандай баҳолайсиз?

Жавоб. Аввало Ҳиндистон раҳбарларини бизнинг мамлакатимизда алоҳида туйғу билан кутиб олишларини таъкидлаб ўтмоқчиман. Совет кишилари улуғ, дўст ҳинд халқига самимий хайрихоҳлик ва иззат-ҳурматни изҳор этаётганликлари мана шунда ўз ифодасини топмоқда. Совет кишилари ва ҳиндларнинг турли авлодлари дўстлигимиз тарихига ўзларининг ёрқин бобларини ёзишган, Жавоҳарлал Неру билан Индира Ганди шу дўстликни ривожлантиришга жуда кўп ҳисса қўшган эдилар.

Бизнинг Ҳиндистонга муносабатимиз халқларнинг империалистик зулмга қарши мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда социал янгиланиш учун олиб бораётган курашини Совет Иттифоқи принципиал равишда ва муттасил қўллаб-қувватлаётганлигини акс эттиради. Бу йўлни бизга улуғ Ленин васият қилиб қолдирган, биз ҳам шу йўлни муқаддас билиб, унга содиқ бўлиб қолмоқдамиз. Биз, ҳеч муболағасиз, ноёб, бебаҳо бойликни мерос қилиб олганмиз. «Бизни ҳукуматлар ўртасидаги муносабатларгина ва ҳатто сиёсий ҳамда иқтисодий ҳамкорликгина бирлаштириб тургани йўқ. Бизнинг муносабатларимиз — икки бунёдкор халқ жўшқин қалбларининг пайвасталигидир». Индира Гандининг мана шу ёрқин ва образли сўзлари ўзаро муносабатларимиз даражасини, унинг ғоят хилма-хил жиҳатларини жуда яхши таърифлаб турибди.

Шу имкониятдан фойдаланиб, номи Совет-Ҳиндистон дўстлиги тарихига абадий ёзиб қўйилган ҳинд халқи атоқли қизининг порлоқ хотирасини яна бир бор ҳурмат билан эсга оламан. Унга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилганлиги — мустаҳкам тинчлик учун, халқлар ўртасида тинчлик учун курашга у қўшган ғоят катта ҳиссанинг эътироф этилишидир.

Ҳиндларда одамлар бир-бирига пешвоз чиқаётган йўл энг қисқа йўлдир деган нақл бор. Бизнинг халқларимиз неча ўн йиллар мобайнида айни шундай йўлдан бормоқдалар. Айни шу боисдан бизнинг алоқаларимиз ҳамиша ривожланиб бормоқда. Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосланган муносабатларимиз юксак даражада бўлиб, ҳар томонлама муттасил ривожланаётганлиги мамнуният бахш этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎРТОҚЛАРЧА СУҲБАТ

20 май куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Италия Коммунистик партияси раҳбарлик органининг аъзоси Ж. Черветтини қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Суҳбат ўртоқларча самимий вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

18 майда Тошкент область партия комитетининг IX пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов «КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми якунлари ва область партия ташкилотининг партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, «Узстроймеханизация» трестининг Олмалиқдаги 2-ихтисослаштирилган механизация бошқармасининг минорали кран машинисти Л. В. Ушакова, Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. С. Раззоқов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Журавлёв, Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари З. Т. Маҳсумов, Бўка районидаги «Ленинобод» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи И. Ҳожибекова, Тошкент районидаги Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари А. Умаров, Коммунистик район ижроия комитетининг раиси И. И. Ли, Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплексининг директори Г. П. Гриценко қатнашдилар.

Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

М. М. Мирқосимов Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан область партия комитети оғир саноат бўлимининг мудири вазифасидан озод қилинди.

Область партия комитети оғир саноат бўлимининг мудири қилиб В. В. Шеин тасдиқланди.

Пленум Й. М. Аҳмедов жиноий жавобгарликка тортилганлиги сабабли уни КПСС аъзолигидан ўчирди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Оғир саноат ва энергетика бўлими мудирининг ўринбосари В. А. Дурасов иштирок этди.

Коммунистлар, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездини 1986 йил 25 февралда чақириш тўғрисидаги қарорини бениҳоя руҳланиб ва юксак ватанпарварлик кўтаринкилиги билан кутиб олдилар, — деди ўз докладида Т. А. Алимов.

Съездгача қолган давр ичида қизғин ва ҳар томонлама снёсий, иқтисодий, ташкилотчилик ва ғоявий пропагандистик иш олиб бориш лозим бўлади.

Совет мамлакатининг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, ишлаб чиқариш, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида янги юксакликларга эришишга, жамиятимиз социал-иқтисодий тараққиётининг суръатларини оширишга қатъий азму қарор қилганлар. Бу коммунистик шанбаликлар, 1 Май тантаналари, айниқса, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилиш кунларида ёрқин намоён бўлди. Бу унутилмас воқеалар мамлакатимиз меҳнаткашларининг партия ишини тўлатўкис қўллаб-қувватлаётганликларининг, совет кишиларининг партия ички ва ташқи сиёсатига чексиз ишончларининг ёрқин намойишига айланиб кетди. КПССнинг бўлажак съездини Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари зарбдор иш билан, янгидан-янги ютуқлар билан нишонлашга тайёрланмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 14 майда бўлган XX пленуми республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларини бажариш ва партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилди. Пленум республика Компартиясининг навбатдаги XXI съездини 1986 йил 31 январда чақириш ҳақида қарор қабул қилди. Пленум республика Компартиясининг навбатдаги XXI съездини 1986 йил 31 январда чақириш ҳамда КПСС Марказий Комитети томонидан белгиланган муддатларда бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини, район ва шаҳар партия конференцияларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шуни таъкидладики, бошланадиган ҳисобот-сайлов кампанияси XXVII съездга тайёргарлик борасида республика партия ташкилоти бутун ишининг муҳим таркибий қисми бўлиб, барча партия бўғинлари ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган ниҳоятда масъулиятли даврдир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларда ҳар бир партия ташкилотининг партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажариш юзасидан иши ҳар томонлама таҳлил қилиниши, партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумлари талабларини бажариш юзасидан фаолияти танқидий кўриб чиқилиши, уюшқоқлик, интизомни мустаҳкамлаш, кадрларнинг масъулиятини ошириш, олға ҳаракат қилишимизга ҳалақит бераётган ҳамма нарсаларни бартараф этиш юзасидан қилинаётган ишлар пухта муҳокама қилиниши зарур.

Бу талаблар область партия ташкилотлари, барча коммунистлари учун муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур пленумнинг вазифаси шундан иборатки, область партия, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотларининг съездолди ишлари характерини ҳар томонлама, пухта муҳокама қилиш, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига мувофиқ қолоқ участкаларни кўтариш, экономика, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни яхшилаш, беш йилликни муваффақиятли тугаллаш. КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми тасдиқлаган муддатларда ҳисобот-сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган тадбирларни белгилаб олишдан иборат. Ҳисобот-сайлов кампанияси партия группалари ва цех партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларидан бошланади. Бу йиғилишлар 1 августдан 25 сентябргача давом этади. Бошланғич партия ташкилотларида йиғилишлар 1 октябрдан 10 ноябргача бўлган даврда ўтади. Шаҳар ва район партия комитетларининг конференцияларини 16 ноябрдан 21 декабргача ўтказиш мўлжалланмоқда. Область партия ташкилотининг XXII ҳисобот-сайлов конференцияси 1986 йил 18 январда бўлади.

Область партия комитетининг бюроси конференция кун тартибига қуйидаги масалаларни киритишни таклиф қилади:

область партия комитетининг иши тўғрисида ҳисобот;

область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг ҳисоботи;

областни 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида;

область партия комитетини ва ревизия комиссиясини сайлаш;

КПСС XXVII съездига ва республика Компартияси XXI съездига делегатлар сайлаш.

Конференцияга 250 партия аъзосидан бир делегат сайлаш мўлжалланмоқда. Ҳаммаси бўлиб 707 коммунист делегат этиб сайланади. Улар 179 минг КПСС аъзоси ва аъзоликка кандидатларнинг вакиллари бўладилар.

КПСС XXVII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездига тайёргарлик область, шаҳар, район партия комитетларидан, қуйи партия ташкилотларидан ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб оладиган кенг, кўп миқёсли ишлар олиб боришни талаб

(Давоми 2-бетда)

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА—27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

РЕСПУБЛИКА САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИНИНГ КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети таъкидлайдики, барча совет кишилари каби Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVII съездини чақириш тўғрисидаги қарорини қизғин кутиб олдилар. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда муайян ютуқларга эришилди. 30 мингдан кўпроқ меҳнатчи ижодий ташаббус, меҳнатга коммунистик муносабат, юксак оғ-лик намуналарини кўрсатиб, беш йиллик топшириғини барвақт бажарди ҳамда республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг белгиланган планларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшди.

Партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг авж олдира бориб, экономикани интенсив ривожлантиришни таъминлаш, техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, иктимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тартиб ва уюшқоқликни қарор топтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақидаги Пленум қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ М. С. Горбачевнинг кўрсатмаларига амалий иш билан жавоб беришга интилиб, ишлаб чиқарилган илғорлари ва новаторлари — В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчилар бригадири Иван Михайлович Басанец, «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Вера Алексеевна Ковалева, Ўзбекистон металлургия заводининг комплекс бригадаси бошлиғи Норманатович Эгамбердиев, «Ташсельмаш» заводининг электр пайвандчиси Дмитрий Александрович Атаманов, Бухоро зардўзлик фабрикасининг каштачиси Шамсия Ғаниева, Қўқон пойабзал фабрикасининг бичиқчиси Муҳаббат Қўшназарова Соҳибова, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Каромат Ҳакимовна Ёқуббоева, «Бухоро» локомотив депосининг машинисти Александр Борисович Власов, «Наманганводстрой» трестининг 2-кўчма механизациялашган колоннаси экскаватор машинисти Рўзибой Сулаймонов, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 167-қурилиш трести комплекс бригадаси бошлиғи Одилбек Жуманиёзов, «Ўзэлектромонтаж» трестининг Самарқанд монтаж бошқармаси электр монтажчилар бригадири Николай Романович Лихошерст, Қорақалпоғистон АССРдаги «Олтинкўл» совхозининг шоличилик бригадаси бошлиғи Қодиримбет Дуримбетов, Навоий областидаги «Маданият» совхозининг бош чўпони Турон Қистовбоев, Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси Волида Мусаева, Сурхондарё областидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Ҳайдар Сафаров, Сирдарё областидаги «Правда» газетаси номли совхоз механизатори Камол Халилов, Андижон областидаги «Коммунизм» колхозининг пиллачилик бригадаси бошлиғи Мунаввархон Бозорова, «Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарлар бригадири Эркин Носиров ўртоқлар КПСС XXVII съезди шарафига йигирма етти зарбдор ўн кунлик ўтказиш юзасидан ватанпарварлик ташаббуси билан чиқиб, ошириллган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Улар ишлаб чиқаришни янада пухта ташкил этиш, профессионал маҳоратни такомиллаштириш, илғор иш усуллари ва рационализацияни жорий этиш ҳисобига шу йилги топшириқларни муваффақиятли бажариш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1986 йил биринчи квартал планини съезд очиладиган кунгача бажаришни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини 1,6—5 процент ошириш, ҳом ашё ва материалларни планга қўшимча равишда тежашга эришиш ҳамда шу тежалган ресурслар ҳисобига бир кун ишлаб беришга аҳд қилишди. Ер, сув, техникадан самарали фойдаланилади, далаларнинг ҳосилдорлиги ва фермаларнинг маҳсулдорлиги оширилади, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар барвақт бажарилади. Чорва қишлови намунали ўтказилади ҳамда келгуси йил ҳосили учун кўкламги дала ишларига пухта тайёргарлик кўрилади.

Илғор ишчилар, қурувчилар ва қишлоқ меҳнаткашлари республиканинг барча меҳнатчиларини эришилган натижаларни мустаҳкамлаб-гина қолмай, балки уларни тағин ҳам кўпайтириш, 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бажариш, Ватанимизнинг қудратини янада кучайтириш мақсадида келгуси беш йилликда муваффақиятли ишлаш учун яхши замин яратишга даъват этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети И. М. Басанец, В. А. Ковалева, Ҳ. Н. Эгамбердиев, Д. А. Атаманов, Ш. Ғаниева, М. Қ. Соҳибова, К. Ҳ. Ёқуббоева, А. Б. Власов, Р. Сулаймонов, О. Жуманиёзов, Н. Р. Лихошерст, Қ. Дуримбетов, Т. Қистовбоев, В. Мусаева, Ҳ. Сафаров, К. Халилов, М. Бозорова, Э. Носиров ўртоқларнинг КПСС XXVII съезди шарафига йигирма етти зарбдор ўн кунликда ишлаш ташаббусини бошлаб берган ватанпарварлик ҳаракатини маъқуллади.

Ўзбекистон область, шаҳар, район партия комитетларига, область, шаҳар, район ижроия комитетларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, республика министрликлари, идоралари, бирлашмалари ва корхоналарига бу қимматли ташаббусни кенг ёйиш таклиф этилди. Партия ташкилотлари ташаббускорларнинг тажрибасини муҳокама этиб, ундан фойдаланишлар, меҳнат коллективларида уни ёйиш учун ташкилотчилик ишларини авж олдириб юборсинлар. Юксак унумли меҳнат қилишлари учун уларга зарур шарт-шароитларни яратиб берсинлар.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар билан биргаликда халқ хўжалиги тармоқларининг асосий оммавий касблари ўртасида ихтисоси бўйича 1985 йилдаги энг яхши ходимни аниқлаш учун конкурс шартларини ишлаб чиқиб, уни ўтказсин.

Республика газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига ишлаб чиқариш илғорлари ва уларнинг издошлари ютуқларини мунтазам ёритиб бориш топширилди.

(Ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббуси газетанинг 3-саҳифасида босилмоқда).

ИЧКИЛИК ИЧМАСЛИК—ҲАЁТ МЕЪЁРИ

18 май куни Тошкент область партия комитетида шаҳар ва район партия комитетлари биринчи секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари раислари, Тошкент область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетлари область ва шаҳар бошқармалари ҳамда бўлимлари раҳбарлари, шаҳар ва район халқ контроли комитетлари ва тармоқ касаба союз область комитетлари раислари, шаҳар ва район комсомол комитетлари биринчи секретарларининг область кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов очди.

Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан партия, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари раҳбарларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Кенгаш ишида область партия комитети бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

Ҳиндистон «Пресс траст оф Индиа» (ПТИ) агентлиги мухбири билан суҳбати

(Боши 1-бетда).

Биз Ҳиндистоннинг тинчликни сақлаб қолиш ва ядро уруши хавфининг олдини олиш борасидаги умумий куч-ғайратларга қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлаймиз. Ҳозирги пайтда Ҳиндистон қўшилмаслик ҳаракатига бошчилик қилиб, унинг бирлигини мустаҳкамлаш ва дунёдаги унинг самарали таъсирини кучайтириш учун кўп иш қилмоқда. Қўшилмаслик ҳаракати халқаро муносабатларнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Совет-Ҳиндистон дўстлиги — халқларимизнингнинг мулки эмас. Бу дўстлик ҳозирги кескин вазиятда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили бўлиб, турли тузумдаги мамлакатлар тинчлик идеаларига, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик принципларига амал қилганлари тақдирда улар қанчалик самарали ҳамкорлик қила олишларини кўрсатувчи намунадир.

Биз Совет-Ҳиндистон муносабатларининг истиқболларига ишонч билан қараймиз. Бош министр Ражив Ганди билан аввалги учрашувимиз вақтидаёқ ҳар иккала томон ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилаётганлиги тасдиқланган эди. Икки томонлама муносабатлар, шунингдек халқаро муносабатлар соҳасида кўпгина масалаларни муҳокама қилиш чоғида бизнинг анъанавий алоқаларимиз совет-ҳинд халқларининг манфаатлари, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида янги мазмун билан тўлдирилишига шубҳа қилмайман.

Мамлакатимизда зўр ҳурматга сазовор бўлган Ҳиндистон раҳбари билан яна мулоқотда бўлиш шахсан мен учун қувонч бахш этади, албатта.

Савол. Тўрт қитъа вакиллари бўлмиш олти мамлакат давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг ташаббуслари Совет Иттифоқида кенг кўламда маъқулланди. Бу ташаббуслар ана шу мамлакатларнинг 1984 ва 1985 йиллардаги декларацияларида қайд этилган. Сизнинг фикрингизча мазкур ташаббуслар қандай қилиб амалга оширилиши мумкин бўлур эди?

Жавоб. Биз бу ташаббусларга юксак баҳо бермоқдамиз. Олти мамлакат бошлиқларининг ҳужжатларида ифода этилган фикрлар билан совет ташаббуслари бир йўналишдадир. Декларацияларда айтилганидек, пировард вазифа — ядро қуролини инсонят ҳаётидан йўқ қилиб ташлаш вазифаси мамлакатимиз ташқи сиёсатининг мақсадларига батамом мос келади.

Биз Женевада Қўшма Штатлар билан музокараларга бора туриб, космосда қуролланиш пойгасини бошламаслик, ерда шундай пойгани тўхтатиш, ядро қуролларини тубдан қисқартиришга киришиб, бора-бора уларни батамом тугатиш — шу музокараларнинг мақсади эканлиги тўғрисида аҳдлашиб олган эдик.

Ишни эса олти мамлакат раҳбарлари даъват этаётган нарсадан — ядро қуролини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва жойлаштиришни тўхтатиш, ядровий аслаҳаларни кўпайтирмаслик ва уларни камайтиришга киришиш, қуролланиш пойгаси космосга ёйилишининг олдини олиш ҳамда ядро қуроли синовларини батамом тақиқлаш шартнома тузишдан бошлаш мумкин.

Биз ишнинг бошланиши тариқасида қурол-яроғлар бундан буён кўпайтирилишини тўхтатиб қўйишни, СССР билан АҚШ Женева музокаралари олиб борилаётган бутун давр мобайнида зардор космик қуролларни яратмай, жумладан илмий тадқиқот ишларини, шундай қуролларнинг синовларини ўтказмасликлари ва жойлаштирмасликларини, Европада Американинг ўртача олисликка учадиган ракеталарини жойлаштириш тўхтатиб қўйилиши ҳамда бизнинг жавоб чораларимиз кучайтирилмаслиги учун ўзларининг стратегик ҳужум қуролларини кўпайтирмасликларини таклиф этдик.

Бунда Совет Иттифоқи ҳозирнинг ўзидаёқ шу йилнинг ноябрь ойига қадар Европада ўзининг ўртача олислик ракеталарини ўз ташаббуси билан жойлаштирмай қўйди ва бошқа жавоб чораларини амалга оширишни тўхтатди. Аҳдига вафодор бўлган СССР шу тадбир шартларига қатъий амал қилмоқда. Биз Вашингтон ва унинг НАТОдаги шериклари ташаббусимизга жиддийроқ ва ўйлаб баҳо берадилар, Ғарбий Европада Америка ракеталарини жойлаштириш масаласида тийилиб турадилар, деб умид қилишга ҳақлимиз. Бу масалаларни ҳамжиҳатлик Женевадаги музокараларни амалий изга ўтказишда ёрдам берган бўлур эди.

Ниҳоят, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида. Биз АҚШни ва ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатларни бунга бир неча марта даъват этдик. СССР ядро қуролига эга бўлган давлатларга ҳар қандай ядро портлатишини тўхтатиб туришни эълон қилишни, бундай тадбир ядро қуроли синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тўғрисидаги шартнома тузилгунга қадар амалда бўлишини таклиф қилди ва шунингдек, Шу тадбирни 1985 йил 6 августдан, яъни Хиросима фожиали атом бомбардимони қилинганлигининг 40 йиллиги кунидан бошлаб ёки, ҳатто, илгарироқ жорий этиш мумкин бўлур эди.

Совет Иттифоқи ядро қуролларини ер остида синовларини батамом тақиқлаш тўғрисидаги музокаларни ҳам дарҳол яна бошлашга тайёрдир. Маълумки, бу музокаралар АҚШнинг айби билан тўхтатиб қўйилган эди. Ядро қуролининг ерости синовларини чеклаш ҳақидаги ва тинч мақсадларда ер ости ядровий портлатишлари тўғрисида 1974 ва 1976 йилларда имзоланган Совет-Америка шартномаларини аллақачон кучга киритиш пайти келган. Ана шу шартномалар ҳали ратификация қилинган эмас, бунда ҳам Совет томонининг айби йўқ.

Бугунги кунда ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг, аввало СССР ва АҚШнинг зиммасига тинчлик тақдири учун алоҳида масъулият юкланган, албатта. Аммо Совет Иттифоқи ҳеч қачон дунёга фақат Совет-Америка муносабатлари таъсири остидагина назар ташлаб келгани йўқ. Ўткир муаммоларни реалистик тарзда ҳал этиш йўлларини қидириб топишда, халқаро кескинликни юмшатишда барча давлатлар иштирок этишлари мумкин ва лозимлигига ишончимиз комил. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва тўпланган қуролларнинг запасларини камайтириш борасида амалий чоралар кўрилишини ёқлаб, музокаралардан шундай пойгани давом эттириш учун бир ниқоб сифатида фойдаланиш йўлидаги уринишларга қарши чиқаётган турли мамлакатлардаги миллионлаб кишиларнинг садоси ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Савол. Осиёда, жумладан Ҳинд океани районида мустаҳкам тинчликка эришиш ва ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида сиз нималарни айта оласиз?

Жавоб. Биз Ҳиндистоннинг Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини, унинг региондаги энг муҳим проблемаларга оқилона ва пухта ўйлаб ёндашаётганлигини юксак қадрлаётганлигимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, у ҳамиша Осиёда тинчлик ва хавфсизлик учун, қитъадаги давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги учун курашиб келди ва курашмоқда. Бу Ҳинд океани ҳавзаси учун ҳам тўла тааллуқлидир. Биз мазкур регионнинг тинчлик зонасига айлантирилиши ғоясини қўллаб-қувватламоқдамиз.

Маълумки, АҚШ ушбу масала юзасидан халқаро конференция ўтказилишини бир неча йиллардан буён барбод этиб келмоқда. Ҳинд океани ҳавзасида ҳарбий фаолиятни чеклаш тўғрисидаги Совет-Америка музокараларини ҳам АҚШ бир томонлама тартибда тўхтатиб қўйди. Бу орада АҚШнинг ўзи у ерда қуролли кучларини муттасил кўпайтирмоқда.

Совет Иттифоқи музокараларни яна бошлашга тайёр эканлигини неча марталаб айтди. СССРнинг 1982 йилда олий даражада ўтказилган Совет—Ҳиндистон учрашуви чоғида олға сурилган таклифи-кемалари. Ҳинд океани ҳавзасида сузиб юрган барча давлатлар конференция чақирилишини кутиб турмай, шу региондаги вазиятни чигаллаштирадиган ҳар қандай қадамлардан тийилиб туриш тўғрисидаги таклифи ҳам ўз кучида қолмоқда. Бунда нималар назарда тутилмоқда? Катта ҳарбий денгиз қўшилмалари у ерга юборилмаслиги, ҳарбий машқлар ўтказилмаслиги, ҳарбий базаларга эга бўлган ва соҳил бўйида жойлашмаган давлатларнинг шундай базаларини кенгайтирмаслик ҳамда янгиламаслик керак.

Ҳозир ушбу масала юзасидан халқаро конференция чақириш тўғрисидаги масала Ҳинд океанида тинчлик зонаси учун курашнинг ўзаги бўлиб қолди. Шундай анжуман ўтказилиши учун, пировард натижада Ҳинд океани бошқа бирон давлатларнинг эмас, унинг соҳилларида жойлашган давлатларнинг ҳаётий манфаатлари ҳамда янгиликка интилишларини ифодаловчи ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ҳукмронлик қилиши, ҳеч қандай ҳарбий блокларга, ҳарбий базаларга ва ҳарбий мавжудотларга эга бўлмаган, ҳеч қандай ҳарбий фаолиятсиз, ҳеч қандай ҳарбий ҳужумлардан ҳимоя қилинган, ҳеч қандай ҳарбий ҳужумлардан ҳеч ким ҳеч нарсадан қўрқмаган, ҳеч ким ҳеч нарсадан ҳеч ким ҳеч нарсадан ҳеч ким ҳеч нарсадан

СТАХАНОВЧАСИГА ИШЛАЙЛИК!

САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли дўстлар!

Биз барча совет кишилари қатори КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг партиянинг навбатдаги XXVII съездини чақириш тўғрисидаги қарорини, Пленумда белгилаб берилган экономикани интенсивлаш, барча бўғинларда тартиб ва интизом ўрнатиш борасида коллектив равишда қиладиган ишларимиз программасини якдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳар бир киши партиянинг бўлажак съездининг юксак аҳамиятини яхши тушунади. Михаил Сергеевич Горбачев таъкидлаб ўтганидек, унинг аҳамияти коммунистлар муҳокамага қўйиладиган масалаларнинг биринчи даражали аҳамияти, давримизнинг характери, жамият олдида келиб чиқаётган вазифаларнинг янгилиги ва кенг кўламлилиги билан белгиланади. Ана шуларни бажариш учун ҳозирданоқ бирор кунни, бирор дақиқани бой бермай, ишлаб чиқаришни илмий-техник жиҳатдан янгилашга, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришга, социалистик демократияни чуқурлаштиришга, ҳамма соҳада тежамкорлик ва иқтисодга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш учун янгидан янги резервлар ва илғор усуллардан фойдаланишга, жамиятимизнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга эришиш учун тинимсиз ҳаракат қилиши керак.

Бунга фақат фидокорона ва юқори унумли коллектив меҳнатимиз билан эришиш мумкин. Бунда энг асосий нарса ҳар бир киши ўз иш жойида умумий вазифаларни ҳал қилишдаги ўзининг шахсий позициясини чин қалбдан тушуниши ва аниқ белгилаб олиши, «Агар шу ишни мен бажармасам, уни мен учун ким бажаради?» деган фикр-ўй билан яшаши керак.

Совет кишилари Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик даврида, коммунистик шанбаликлар кунларида худди ана шу тарзда ишладилар. Республика меҳнаткашлари ўзининг ғайрат-шижоатни ривожлантириб, биринчи беш йилликлар қаҳрамонларининг анъаналарини, халқнинг уруш йилларидаги мардлиги ва қатъиятини қўлпайтира бориб, умумхалқ муваффақиятларига қўшаётган ҳиссаларини оширмоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг кўпгина илғорлари, бригада ва участкалар, корхоналар ва бирлашмалар ҳозирдаёқ беш йиллик топшириқларини бажарганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Улар ўз муваффақиятларини Ленин партиясининг бўлажак съездига бағишламоқдалар.

Одамлар уларга янги ғоялар ва касалхоналар, фарзандларимиз учун янги мактаблар ва пионер саройларини қуриб берган, ошхоналар ва савдо марказларининг ёруғ, шинам залларини бунёд қилган, магазинлар ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини фойдаланишга топширган, ўз ақлидроклари ва моҳир қўллари билан қишлоқ ва шаҳарлар қиёфасини ўзгартираётган, чўлларда воҳалар яратаётган, умумий дастурхонимизни тўкин-сочин қилаётган, кишиларга аъло сифатли маҳсулотлар етказиб бераётган, инсоннинг маънавий дунёсини бойитаётган барча меҳнат аҳлига чин қалбдан миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Қўлимизни кўксимизга қўйиб, уларга тасаннолар айтамиз.

Бироқ, биз миннатдорчилик сўзларини изҳор этар эканмиз, бизни ташвишлантираётган айрим нарсалардан кўз юма олмаслигимизни айтишга мажбурмиз. Гап шундаки, биз билан бирга ёнма-ён яшаётган ва ишлаётганларнинг ҳаммаси ҳам бошқалар учун қўлидан келган ишни қилаяпти деб бўлмайди. Қаердадир бракчиларнинг қурилиш майдончасида қилган бепарволиги туфайли ҳовли тўйлари ўтмай қолаяпти. Магазин пештахталарида кераксиз молларнинг тўпланиб қолаётганлиги, айрим кишиларнинг дастурхонимиз учун табиат неъматларини етиштиришдаги нўшудлиги бизни хафа қилаяпти.

Ҳа, бундай фактлар ҳамиша хафа қилади. Бугунги кунда эса бундай фактларга тоқат қилиб бўлмайди. Партиямиз умумхалқ бахт-саодати учун жуда кўп куч-ғайрат сарфлаяпти. Шундай экан, ҳар бир киши ва гражданнинг умумпировард натижаларни қўлга киритиш учун катта меҳнатда қўл учида ишлаши софдил одамларнинг ор-номусига тўғри келмайди. Ҳаётимиз ривожи шундаки, ҳар бир киши янада яхшироқ ва унумлироқ ишлаши мумкин ва лозим. Кишиларнинг моддий ва маънавий бойликларга бўлган тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга салмоқли ҳисса қўшиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Биз, бу фикрни ҳар бир меҳнатчи қўллаб-қувватлайди, деб қатъий ишонамиз. Шу сабабли Ленин партияси, бутун совет халқи ҳаётидаги ўзбекистонликка мурожаат қилиб, уларни КПСС XXVII съезди шарафига меҳнат вахтасида туришга, съезд очиладиган кунгача 27 зарбдор ўн кунликни ўтказишга чақирамиз.

Қадрли дўстлар, ҳаммангиз қалбларимизнинг бу даъватига якдиллик билан «лаббай!» деб жавоб беришингизга, беш йилликнинг якунловчи йилидаги — Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланган, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги тантана қилинадиган йилдаги энг асосий хусусият — сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини кўпайтиришингизга аминмиз. Ана шундай тарихий йилда биз 1985 йил ва умуман беш йиллик планлари ва мажбуриятларини муддатдан илгари бажариш тўғрисида партияга рапорт бериш ҳуқуқини олиш учун курашиш имкониятини ўзимиз учун шонш-шараф деб биламиз. Ўн иккинчи беш йилликда қилинадиган ишлар учун мустаҳкам пойдеворни яратиш мақсадида фидокорона меҳнат қиламиз. Биз аъзо бўлган коллективларнинг шахсий мажбуриятлари — 1986 йил биринчи квартал планларини КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача адо этишдан иборат. Бизнинг ташаббусимиз республиканинг барча бурчакларида ўз издошларини топади, деб ўйлаймиз.

Биз республикамиз саноати йиллик топшириқни 26 декабргача бажариши, унга қўшимча равишда 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши, планда белгиланганидан 150 миллион сўмлик кўп халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши учун барча ишни қилишга даъват этамиз.

Саноат ходимлари ўзларининг бу интилишлари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленумида гапириб бердилар. Транспортчилар уларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, зиммаларга олган аввалги мажбуриятларига қўшимча равишда 600 минг тонна юк, миллион нафар йўловчини ташишга сўз бердилар. Қурувчиларнинг ғайрат-шижоати ҳам ўзининг конкрет ва амалий ифодасини топди—улар Улуғ Октябрнинг 68 йиллик кунигача 77 минг гектар суғориладиган ерларни муддатидан илгари фойдалашга топшириш, яъни бир қанча миллиард кубометр бўлган Толимаржон сув омборини ишга туширишдан, Бухоро ип-газлама комбинатининг Ғиждувондаги филиалини, Чуст ва Хўжаободда тикувчилик-трикотаж фабрикаларини, Тошкентда «Малика» бирлашмасининг янги қувватларини белгиланганидан анча барвақт қуриб битказишга қарор қилдилар. Агросаноат комплекси меҳнатчилари беш йиллик топшириқларига қўшимча суратда қарийб икки миллион тонна хўл мева ва сабзавот етиштиришга, уларнинг 700 минг тоннасини умумиттифоқ фондига етказиб беришга қатъий аҳд қилганлар. Улар ер, сув ва техникадан янада яхшироқ фойдаланиш, далалар ҳосилдорлигини ва фермалар маҳсулдорлигини ошириш, пахтанинг ва барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини яхшилаш учун барча чора-тадбирларни кўрадилар.

Шахсий меҳнати билан белгиланган режаларни бажаришга ҳисса қўшиш — ҳар бир кишининг бурчидир. Шунинг учун, қадрли дўстлар, истеъдодимиз ва маҳоратимизни тўлароқ намоён қилайлик, куч-ғайратимизни меҳнатни ташкил қилишнинг илғор форма ва усулларини жорий қилишга, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида энг янги, илғор, прогрессив тажрибаларни қўлланишга сафарбар қилайлик. Илғор корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотларнинг, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг қолоқларга оталиқ ёрдами кўрсатишни ташкил этиш, турдош корхоналар ва шерикларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формасини кенг жорий этиш, иш жойларини аттестациядан ўтказишнинг, хўжалик ҳисобининг, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш учун кенг кўламдаги эксперимент афзалликларининг рағбатлантирувчи ролидан омилкорлик билан фойдаланиш муҳимдир.

Ҳар бир меҳнат коллективида, ҳар бир иш жойида интизомни ошириш, тартиб ўрнатиш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилайлик. Дангасалар ва прогулчиларга, кўзбўямачилар ва ичкиликбозларга нисбатан муросасиз бўлиш коммунистик ахлоқ ва одоб принципларига қатъий риоя қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Бизларни олдинда катта ишлар ва зафарлар кутмоқда. Бунинг учун эса соф юрак ва ҳалол қўллар талаб қилинади. Бутун халқ партия ва ҳукуматнинг бўшашувчанликка, интизомсизликка, ичкиликбозликка қарши курашиш учун кўраётган чора-тадбирларини маъқулламоқда. Мазкур чора-тадбирларни ҳаётга кун сайин жорий қилиш фақат ўзимизга, ҳар биримизга боғлиқ эканлигини унутмайлик. Ҳар бир киши ҳамма ишларда ўзининг ҳаётий позициясини белгилаб олиши, шахсий программасига эга бўлиши керак. Ҳаёт ишнинг самарали ва сифатли бўлиши ҳар бир кишининг коллектив иши учун масъулиятига, ҳар бир меҳнатчи учун эса коллектив масъулиятига боғлиқ эканлигини аллақачон исботлаган.

Она-Ватанга муҳаббат, унинг иқтисодий ва мудофаа қудрати янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрлик ҳар биримизни зарбдор меҳнат вахтасига чорламоқда.

КПСС XXVII съездига 27 зарбдор ўн кунлик ўтказайлик!

Дмитрий АТАМАНОВ — «Ташсельмаш» заводининг электр пайвандчиси, Иван БАСАНЕЦ — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчилар бригадасининг бошлиғи, Мунаввархон БОЗОРОВА — Андижон областидаги «Коммунизм» колхози пиллачилик бригадаси бошлиғи, Александр ВЛАСОВ — Бухоро 1-локомотив депосининг машинисти, Шамсия ҒАНИЕВА — Бухоро зардўзлик фабрикасининг каштачиси, Одилбек ЖУМАНИЁЗОВ — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 167-қурилиш трестининг комплекс бригадаси бошлиғи, Қодиримбет ДУРИМБЕТОВ — ҚҚАССР «Олтиқўл» совхози шоликорлик бригадаси бошлиғи, Вера КОВАЛЁВА — «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, Турон ҚИСТОВБОЕВ — Навоий область «Маданият» совхозининг бош чўпони, Николай ЛИХОШЕРСТ — Ўзэлектромонтаж Самарқанд монтаж бошқармаси электр монтажчилар бригадаси бошлиғи, Волида МУСАЕВА— Тошкент область «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Эркин НОСИРОВ — «Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарлар бригадаси бошлиғи, Ҳайдар САФАРОВ — Сурхондарё область «Партия XXIV съезди» совхози пахтачилик бригадаси бошлиғи, Муҳаббат СОҲИБОВА — Қўқон пойабзал фабрикасининг бичиқчиси, Рўзибой СУЛАЙМОНОВ — «Наманганводстрой» трести 2-механизациялашган кўчма колоннаси экскаватор машинисти, Камол ҲАЛИЛОВ— Сирдарё область «Правда» газетаси номли совхоз механизатори, Ҳамроқул ЭГАМБЕРДИЕВ — Ўзбекистон металлургия заводи комплекс бригадаси бошлиғи, Каромат ЁҚУББОЕВА — Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси.

ҲУЖЖАТЛАР НАШР ЭТИЛДИ

«Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар олий партия ва давлат арбобларининг учрашуви. Варшава, 1985 йил 26 апрель» деб номланган тўплам бо»мадан чиқди. Тўпламга бўлиб ўтган учрашув ҳужжатлари ва материаллари, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1955 йил 14 майда Варшавада имзоланган Шартнома тексти ҳам киритилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

ЙЎЛЛАРИНГИЗ РАВОН БЎЛСИН

ЎЗБЕКИСТОН ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг Капитал қурилиш павильонида «Ўзбекистонда автомобиль йўллари қурилиши ва ҳаракат хавфсизлиги» деб номланган янги тематик кўргазма очилди. Мазкур кўргазма етти бўлимдан иборат бўлиб, унда мавжуд автомобиль йўлларининг ҳолати, қурилиш ишлари ҳажми ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

Республикамизда ҳар йили янги типда қурилаётган йўллар ҳажми 500 километрга яқиндир. Ҳозирги кунда республикамиздаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг узунлиги 33 минг 700 километрни ташкил этади.

«Йўл қурилишида янги, илғор технологияни қўллаш» бўлимида эса мутахассислар учун зарур бўлган бир қанча самарали усуллар ёритилган. Масалан: асфальт тайёрловчи янги — газ билан ишловчи қурилма 12 минг 900 сўм иқтисодий самара кўришни таъминлайди. Ҳозирги кунда бу янгилик Бектемир асфальт-бетон тайёрлаш заводида жорий этилган.

Қ. ЭРДОНОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Боши 1- ва 2-бетларда).

катини таъминлаш иши сусайтириб юборилган. Вагонларга юк ортиш ва тушириш муддатларини бузаётган раҳбарларга нисбатан талабчанлик ва назорат йўқлиги шунга олиб келдики, тўрт ой ичида 100 мингдан ортиқ вагон-ресурс йўқотилди.

Бинобарин бу ерда ҳам партия ташкилотлари, совет органлари транспорт ташкилотларида биринчи галда интизомни янада мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча тадбирларни кўришлари, иш натижалари учун раҳбарлардан талабчанликни оширишлари керак.

Агросаноат комплекси тармоқларига раҳбарликни яхшилаш, Озиқ-овқат программасини бажариш юзасидан ташкилотчилик ишларини кучайтириш область партия ташкилотининг ғоят муҳим иши ҳисобланади. Область беш йилликнинг ўтган тўрт йилида давлатга барча турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини бажарган бўлишига қарамай ҳали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида жиддий камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд. Бу соҳада имконият ва резервлардан чинакамига фойдаланилмаяпти.

Кўпгина районлар ва хўжаликларда ўтган йили пахта, каноп пояси, дон, сабзавот, картошка, мева етиштириш 1981—1983 йиллардаги ўртача йиллик кўрсаткичларга нисбатан камайди.

Оҳангарон (К. И. Икромов), Паркент (А. П. Алимов), Ғалаба (Ю. Т. Толипов), Бўстонлиқ (Ю. А. Ҳайдуров), Оржоникидзе (С. Д. Сайдалчев), Калинин (Р. Қ. Қамбаров) районларининг айби билан мева-сабзавот, картошка етиштириш бўйича ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришда мураккаб аҳвол вужудга келди.

Бунинг масъулияти область ва район агросаноат бирлашмаларининг раҳбарлари зиммасига ҳам тушади. Улар қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишни, такомиллаштириш, агросаноат комплекси составига кирадиган корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ишини ҳали бўш олиб бормоқдалар. Раҳбарларнинг диққат-эътибори қишлоқ хўжалиги барча тармоқлар самарадорлигини кескин ошириш резервларини қидириб топиш ва уларни тезлик билан ишга солишга дуруст қаратилмаяпти.

Аввалдагидек эндиликда ҳам пахтачиликка жиддий эътибор берилиши зарур. Бу йил чигит экиш асосан энг мақбул муддатларда ўтказилди. Бироқ, Бўка, Пискент районларидаги кўпгина хўжаликлардаги бўшашувчанлик туфайли ҳозиргача ғўзани яганалаш тугалланмаган, кўпгина далалар бегона ўтдан тозаланмаган, ғўзанинг ривожланишида қолоқликка йўл қўйилган. Ҳамма жойда мўл, эртаги, тола сифати юқори бўлган пахта ҳосили етиштиришни таъминлаш учун ғўза парваришидаги агротехника тадбирлари суръатини кучайтириш юзасидан шошилинч чоралар кўриш талаб этилади.

Бу йил пахта ҳосили асосан колхоз ва совхозларнинг ўз кучлари билан йиғиштириб олиниши керак. Шунинг учун пахта териш техникасидан самарали фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Область «Сельхозтехника» бирлашмаси (В. Н. Хегай) область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси (Ф. А. Аппазов) раҳбарлари ўтган йилги хатолардан хулоса чиқаришлари керак. Ўшанда уларнинг принципсизлиги, зарур даражада назорат бўлмаганлиги натижасида Бекобод, Чиноз, Янгийўл ва бошқа районларнинг кўпгина хўжаликларида пахтани машинада териш салмоғи асоссиз равишда камайтириб юборилди. Бу пахтани қўлда териш учун шаҳарлар ва район марказаларидан кўплаб миқдорда ишчилар, хизматчилар, ўқувчиларни жалб қилишга олиб келди.

Пахтачилик самарадорлигини оширишда пахта ҳосилини қайта ишлашнинг пировард натижалари катта аҳамиятга эга бўлади. Кўрилган чоралар бу ишда муайян ижобий силжишларга эришиш имконини берди. Умуман область бўйича 1 майгача бўлган маълумотларга кўра хом ашёни нормада планлаштирилганидан 13,2 минг тоннага кўпроқ тежашга муваффақ бўлинди.

Бу пахтачиликда пировард натижани тола чиқишига қараб баҳолаш йўли жуда тўғри эканлигини яққол исботлаб турипти. Бу соҳадаги ишни биз асло сусайтирмаслигимиз керак. Маълум бўлишича, бизда ҳам пахтани топшириш ва қабул қилиб олишда анчагина кўзбўямачиликлар ва тўғридан-тўғри жиноятлар қилинган экан. Бунинг учун маъмурий органлар ҳозирнинг ўзида пахта тозалаш заводлари, колхоз ва совхозларнинг бир қанча раҳбарлари ва мутахассисларини жавобгарликда тортдилар.

Бу йил барча пахта тозалаш заводларида пахта қизиши натижасида чиқит чиқиши белгиланганидан 4,5 минг тонна кўпайиб кетишига йўл қўйилди.

Шу жумладан, Янгийўл пахта тозалаш заводида чиқитга чиқиш нормадагидан деярли икки баравар, Бекобод, Далварзин, Оққўрғон, Ўзбекистон ССР 5 йиллиги номли ва Ўзбекистон пахта тозалаш заводларида эса 1,5—1,8 баравар кўп бўлди.

Район партия комитетлари, область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Ташзаготхлопкопром» бирлашмаси маъмурий органлар пахтачиликдаги ишларни доимо диққат марказларида тутишлари, текширишлар, ревизиялар самарадорлигини кучайтиришлари, пахта тозалаш заводлари ва қабул пунктларини синалган кадрлар билан мустаҳкамлашлари лозим. Пахта қабул қилишда оз бўлсада хизмат вазифасини суиистеъмол қилган, бошқа салбий ҳодисаларга йўл қўйган шахслардан қатъийлик билан ҳалос бўлиш лозим. Бу соҳада тезроқ қатъий партиявий ва давлат тартиби ўрнатилиши зарур.

Апрель Пленумида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, аҳолининг уларга эҳтиёжини яхшироқ қондириш кераклиги алоҳида таъкидланди. Область агросаноат комплексининг барча бўғинлари ана шу талаблар асосида ўз ишларини қучайтиришлари ҳамда саноат марказлари, биринчи навбатда Тошкент шаҳрини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилашлари зарур. Бунинг учун имкониятларимиз бор. Область ҳар йили давлатга салкам 760 минг тонна сабзавот ва мева топшириши. Тошкент шаҳри аҳолисининг бу маҳсулотларга эҳтиёжи эса 260 минг тоннани ташкил этади. Бироқ ҳали ҳам меҳнаткашлар давлат савдосида бу маҳсулотлар етишмаслиги, уларнинг сифати ёмонлигидан ҳақли равишда ранжимоқдалар.

Бунинг сабаби битта: у ҳам бўлса «Таҳшлодоовошч» (Ю. Ш. Ражабов), область мева-сабзавот маҳсулотлари агросаноат бирлашмалари (М. Х. Хўжаев), Калинин, Оржоникидзе, Тошкент районлари раҳбарларининг бу муаммони ҳал қилиш билан мунтазам, қатъият билан шуғулланишни истамаётганликлари, эпчиллик кўрсатмаётганликларидадир. Мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилишда жиддий камчиликлар учраб турганлигига, бозорларда нарх-навони белгилаётган, ижтимоий-фойдали меҳнат ҳисобига бойлик орттираётган кўпдан-кўп чайқовчилар мавжудлигига худди ана шу раҳбарлар айбдордирлар.

Ҳозирга қадар савдо ташкилотларида мавжуд ихтисослаштирилган магазинлар ва омборлар эҳтиёждан икки баравар камдир. Шаҳар партия комитети, шаҳар партия комитетининг секретари С. М. Юсупов эса бу масалалар билан актив шуғулланмаяптилар, мавжуд камчиликларни бартараф этишга етарлича таъсир кўрсатмаяптилар. Айни пайтда шаҳар атрофидаги районлар хўжаликлари ҳам мева-сабзавот маҳсулотларини белгиланган муддатларда ва турлари бўйича етказиб бериш шартномаларига риоя қилмаяптилар.

Етиштирилган ҳосилни тўла сақлаб қолиш, уни пешма-пеш қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида ҳам бизда ҳали кўпгина ҳал этилмаган муаммолар бор.

Консерва заводларининг қувватлари етиштирилиши мўлжалланаётган мева ҳосилининг атиги ярмини ўз вақтида қайта ишлаш имконини беради. Бу корхоналар шу вақтгача шарбатлар тайёрлаш ва уларни сақлаш учун замонавий технологик линияларга эга эмас. Заводлар кичик ҳажмли идишлар билан таъминланмаяпти. Тайёрлов ва савдо ташкилотлари моддий-техник базаси ҳам ана шундай аҳволдадир.

Юзага келган аҳволни бир кунда тўғрилаб бўлмайди, албатта. Аммо биз бу ишда сусткашлик қила олмаймиз, бунга ҳаққимиз йўқ. Бу ишда қатъият, ҳужжумкор ва принципиал партиявий позиция зарурдир. Апрель Пленуми бизни шунга йўналтирмоқда, меҳнаткашлар биздан шуни кутишяпти.

Область меҳнаткашларини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни сезиларли даражада яхшилаш, агросаноат комплекси раҳбарларининг доимий диққат марказида туриши керак бўлган муҳим вазифалардан биридир.

Ҳозирча бу соҳадаги ишларнинг аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Тармоқни янада ривожлантириш масалаларини навбатдаги пленумларимиздан бирида муфассал муҳокама этамиз. Шу сабабли бугун олдимизда турган айрим биринчи даражали масалаларга тўхталмоқчи эдим.

Ҳозирга қадар қўпгина хўжаликларда, айниқса, Оққўрғон, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Ғалаба районларида сут етиштириш ва давлатга топшириш бўйича планларни бажаришдаги қолоқлик бартараф этилмаган. Бу жуда жиддий масаладир, ўртоқлар. Чунки Тошкент шаҳри аҳолисини сут маҳсулотлари билан асосан область таъминлайди. Ҳозир бу маҳсулотларнинг етишмаслиги кескин сезиляпти. Уларнинг сифати ҳам ёмон, бунда биринчи навбатда «Ташмолоко» бирлашмаси (Ш. М. Мусаев) айбдордир.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари, чорвачиликка муносабатни тубдан ўзгартиришлари, энг аввало ўз шахсий психологияларини ўзгартиришлари зарур. Бу жуда муҳим муаммодир. Ҳозирга қадар районларнинг раҳбарлари асосий эътиборни муҳим деҳқончилик экинларига қаратиб келмоқдалар. Чорвачилик билан эса чўқур шуғулланмайдилар.

Яқинда Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари Э. Ҳ. Ҳатамов область партия комитетида ҳисоб берди. Унга район партия комитетининг бу тармоққа раҳбарлик бўйича олиб бораётган ишини ёритиш кераклиги тўғрисида уч марта эслатишга тўғри келди. Шунга қарамай биз ундан аниқ жавоб ололмадик. Бу ягона мисол эмас.

Шунингдек, хўжаликлар раҳбарлари, мутахассисларининг фермаларда тезроқ тартиб ўрнатиш, чорвани урчитиб кўпайтиришни тубдан яхшилаш, молларни бўрдоқига боқиб жадал семиртириш, чорва моллари маҳсулдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун талабчанликни кучайтириш, юзасидан уларнинг шахсий масъулиятини ошириш лозим.

Озуқа базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш чорвачиликни ривожлантиришни таъминлашда ҳал қилувчи омилдир. Бу йил озуқа экинлари майдони анча кенгайтирилди ва юқори сифатли ем-хашак етиштиришни кўпайтириш учун имкониятлар яратилди. Бироқ, улардан тўла-тўкис фойдаланиш учун ҳамма нарса қилинаётгани йўқ. Кўпгина хўжаликларда ҳашаки лавлагини ягоналаш тугалланмади, силос учун маккажўхори экиш ниҳоясига етказилмаган, беда ўрими жуда сусткашлик билан олиб борилмоқда. Шу сабабли унинг озуқа сифати ёмонлашмоқда.

Озуқа етиштиришдаги бу камчиликнинг биринчи навбатда хўжалик ва районларнинг айрим раҳбарлари ҳозирга қадар озуқачиликни хўжалик ҳисоби ҳамда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг коллектив пудрати асосида ихтисослаштирилган тармоққа айлантириш тўғрисидаги талабларни назар писанд қилмаётганликлари билан изоҳланади.

Масалан, Бўка районида 17 та хўжаликдан фақат 3 таси ўзларида бу прогрессив методни жорий қилишган. Область партия комитети ва область ижроия комитети мазкур районда махсус семинар ўтказганликларига қарамай шундай аҳвол сақланиб қоляпти. Район партия комитети ва район ижроия комитети бу масалада очиқ-ойдин консерватив позицияда туришибди. Бўка районида чорва қиқловини оғир шароитларда тугаллади. Бунинг натижасида тўрт ойлик якунларга кўра Бўка чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш бўйича районлар ўртасида охирги ўринда турипти. Бу ерда сут соғиб олиш қарийб икки бараварга камайиб кетди. Қорамол ва чўчқалар бош сони кескин камайди.

Район партия комитетининг биринчи секретари К. Б. Мамедов аҳволни қандай қилиб тўғриламоқчи, деган савол туғилади. Ёки у бугал ҳам район камчиликларни тугатади, деган ваъда билан чекланадими? Апрель Пленумида коммунистлар, айниқса, раҳбар коммунистлар тўғрисида уларнинг гапига қараб эмас, ишига қараб баҳо бериш кераклиги таъкидланди. Биз ҳам худди шундай қиламиз.

Бундан бошқа районлар ҳам тегишли хулосалар чиқариб олишлари керак. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Сельхозтехника» область бирлашмаси ва уларнинг районлардаги бўлинмалари область партия комитетининг Белгород ва Ўш областларининг озуқани қайта ишлашни ташкил этиш ва ем-хашаклардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш соҳасидаги тажрибаларини кенг жорий этиш тўғрисидаги қарорини бажариш соҳасидаги ишларни жуда секинлик билан олиб бормоқдалар, область агросаноат бирлашмаси, район партия комитетлари озуқачиликдаги консерватизмни қатъият билан бартараф этишлари, колхоз ва совхозлар, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари мавжуд камчиликларни тезроқ йўқотишлари зарур.

Партия, совет, хўжалик органларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолиятларида колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш масалалари муҳим ўрин тутиши керак. Ҳозирча бизда бу соҳада камчиликлар кўп. Анализлар кейинги пайтларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кўпгина тармоқларининг иқтисодий самарадорлиги камайганлигини, хўжаликларнинг молиявий аҳволи жуда ёмонлашганлигини кўрсатяпти.

Экономиканинг бундай аҳволга тушиб қолишининг асосий сабаби хўжалик юритишнинг нотўғри методларида, маблағларни бошқа соҳаларга сарф қилишдадир. Оқибатда ҳозир кўпгина хўжаликларда ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бошқа ресурслар ҳарид қилишда жиддий қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Буларнинг ҳаммасини тезлик билан ўрганиб чиқиш, айбдор шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортиш, колхозлар, совхозларда тежамкорлик режимига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш, айрим ходимлар томонидан хўжаликлар раҳбарларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг мавжуд нормаларини, давлат банкининг колхоз, совхозлар молиявий фаолияти бўйича инструкцияларини бузишга мажбур қилиш практикасига барҳам бериш керак.

Апрель Пленумида яна бир марта уқтиришганидек, бизнинг экономикадаги бутун куч-ғайратларимиз пировард натижада халқ фаровонлигини муттасил ошириш, шахснинг уйғун камол топиши учун қулай шароитларни яратишга қаратилгандир. Бу вазифаларни ҳал этишда савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларининг роли улкандир. Партия, совет органларига турар-жой, коммунал, маиший, савдо, медицина хизмати кўрсатишдаги камчиликлар тўғрисида тушаётган кўпдан-кўп шикоятлар бу коллективлар ишидаги муаммолар ва нуқсонлар секинлик билан бартараф этилаётганлиги, камчиликлар, салбий ҳодисаларга қарши бўш кураш олиб борилаётганлигидан далолат бермоқда.

Мана битта характерли мисол. Яқинда область партия комитети Чиноз район партия комитетига унинг соғлиғини сақлашни ривожлантириш ҳамда аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича фаолияти қониқарсиз эканлигини кўрсатди. Район партия комитетининг медицина муассасалари ишини анализ қилишдаги принципсизлиги ва муросачилиги, бунга юзаки ёндашиши оқибатида район соғлиқни сақлаш муассасалари, район марказий касалхонасининг собиқ бош врачи Ф. О. Ногаев ишида жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилган. Даволаш муассасалари ишининг кўпгина кўрсаткичлари пастлигича қолмоқда.

Биз область партия комитети бўлимлари, шаҳар ва район партия комитетлари область ижроия комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитети олдига конкрет вазифа: аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ соҳаларда бундан буён доимий қаттиқ тартиб ўрнатиш, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат даволаш муассасалари корхона ва ташкилотларнинг иш савияси фақат уларда меҳнат қилаётганларни эмас, балки улар хизмат кўрсатиши керак бўлган кишиларни тўла-тўкис қондиришига эришиш вазифасини қўйишимиз керак, деган фикрдамиз.

Бир сўз билан айтганда ишчанлик, ҳамма жойда қатъий тартиб ўрнатиш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, социал адолат принципига изчил амал қилиш барча меҳнат коллективлари, барча партия, совет, хўжалик, маъмурий органлар, жамоат ташкилотлари фаолиятининг асосини ташкил этиши керак.

Буни шунинг учун яна бир карра эслатиш керакки, ҳамма бўғинларда ҳам социал адолат принципларига риоя қилиш учун кураш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларида олга сурилган талаблар даражасида олиб бориляпти, деб бўлмайди.

Область партия комитетининг VIII пленумида Тошкент шаҳрида квартираларни тақсимлашда қонунбузарлик ҳоллари кескин танқид қилинганлиги ҳамманинг яхши ёдидадир. Шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитетидан йўл қўйилган жиддий нуқсонларни тугатиш учун принципиал ҳаракат қилишлари талаб қилинарди. Бу қарор ҳамма жойда мамнуният билан кутиб олинди, меҳнаткашларда турар-жой шароитларини қонунга хилоф равишда яхшилаб олган шахслар тегишли жазосини олади, деган умид туғдирди.

Бироқ ҳозирча шундай бўлгани йўқ. Айрим район партия комитетлари, район ижроия комитетлари қабул қилинган қарорни бажаришни орқага чўзмоқдалар, енгил-елпи чоралар кўриш билан чекланишмоқда. Улар афтидан вақти келиб, бу қатъий талаб бўшашади ва ҳамма нарсани аввалгидек қолдирса бўлаверади, деб ўйлашаётганга ўхшайди. Йўқ, бунга ҳеч ким умид қилмасин. Биз ўз йўлимиздан чекинмаймиз. Бу соҳада тартиб бўлиши керак ва биз бу тартибни ўрнатамиз.

Сиёсий-тарбиявий идеологик иш иқтисодий ва социал вазифалар билан узвий боғлиқдир. Апрель Пленумида идеологик фаолиятда ҳам гал камроқ, иш кўпроқ бўлиши керак, деб таъкидланди. Расмиятч

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Бошы 1, 2 ва 3-бетларда).

Кўпгина шаҳар, район партия комитетлари ҳам худди шу йўналишда иш олиб бормоқдалар. Уларнинг иш услубида ишга ижодий, режали, конкрет ёндошиш кўпроқ кўзга ташланадиган бўлди. Ангрен, Янгийўл шаҳар, Орджоникидзе, Киров район партия комитетлари иш форма ва методларини янги, шу куннинг талабига жавоб берадиган мазмун билан бойитиб, тўлдириб бормоқдалар. Улар кучғайратларини кўпроқ бевосита партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида кишилар билан жонли мулоқотга, назоратни яхшилашга, хўжасизлик кўринишлари, камчилик ва нуқсонларга ўз вақтида ва принципиал муносабатини билдиришга қаратмоқдалар.

Айни пайтда қатор шаҳар, район партия комитетлари аввалгидек иш юритмоқдалар, эскириб қолган методларга мойилдирлар. Улар раҳбарликнинг самарасиз усул ва формаларидан қатъий ҳалос бўлиш учун кучғайрат, активлик, қатъиятлик кўрсатмаяптилар. Бунга қатор мисоллар келтириш мумкин. Яқинда область партия комитети Калинин район партия комитетининг ишини ўрганиб чиқди. Район партия комитетининг бюроси ва секретарлари фаолиятида хўжаликка раҳбарлик қилишда, кадрлар билан ишлаш ва тарбиявий ишда жиддий камчиликлар аниқланди. Бу камчиликларни тўғдирган сабабларнинг энг асосийси ҳамма жойда қилинган ишга таҳқидий кўз билан қаралмаслик муҳитини вужудга келтириш, ўзини ўзи мақташ, эришилган натижаларни бўрттириб кўрсатиш, салбий ҳодисаларни пайқашни истамасликдан иборат бўлди. Район партия комитетининг бюроси, секретарлари, ходимлари бу камчиликларнинг сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш билан чинакамига шуғулланишмасди. Улар вақт ва кучларининг асосий қисмини мажлислар, кенгашлар ўтказишга кўпдан-кўп қарорлар қабул қилишга сарфлашарди. Қатор ҳолларда бу қарорлар бир ҳужжатдан иккинчисига кўчириб олинарди.

Бундай муҳит кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга таъсир кўрсатмай қолмади. Айрим раҳбарлар билдирилган ишонч учун масъулият ҳиссини йўқотиб қўйдилар, алдаш, қўшиб ёзиш, ҳизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, аҳлоқий ва маънавий айниш, жиноятлар қилиш йўлига ўтиб олдилар. Аммо район партия комитети, унинг бюроси, район партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Қамбаров бундай ҳодисаларга ўз вақтида принципиал баҳо бермади.

Пискент, Бўка, Ғалаба, айрим бошқа районлар партия комитетларининг раҳбарликка эскича ёндашиш, қоғозбозлик, кўпдан-кўп қарорлар қабул қилиш, уларнинг амалдаги ижроси устидан назорат ўрнатмаслиги, комиссиялар, кенгашларга мойиллиги кўринаяпти.

Ташкилий-партиявий ишдаги камчиликларни бартараф этиш кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Ленинча иш услубини қатъият билан эгаллаш, ишни чинакамига ташкил эта билиш, совет ва хўжалик органлари вазифасини бажаришдан иборат практикага барҳам бериш партия комитетлари, улар аппаратлари ва бюролари иш форма ва методларини, раҳбарликнинг коллегиал принципини ходимларнинг ўз вазифаларини бажариш учун шахсий масъулияти билан қўшиб олиб борилишига амал қилинишини яна ва яна бир бор талабчанлик билан анализ қилиб чиқиш зарур. Йиғилишлар ва конференцияларда мақтовларга, лаганбардорликка сафсатабозлик билан ишнинг моҳиятини ҳас-пўшлашга, камчиликларни камайтириб кўрсатишга ўрин бўлмаслиги керак. Докладларда бажарилган иш ҳар тарафлама, чуқур, танқидий таҳлил этиб чиқилиши, КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ва шундан кейинги пленумлари талаблари асосида бу ишни яхшилаш юзасидан амалий таклифлар билдирилиши лозим.

Бошланғич партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларига биринчи даражали аҳамият бериш керак. Улар партиянинг бош потенциалидир. Шунинг учун қуйи партия бўғинларига улар коллектив ҳаётининг пишиб етилган масалаларини, ишга тўғоноқ бўлаётган ҳамма нарсани бартараф этиш йўлларини объектив ва талабчанлик билан муҳокама этишлари, ижобий тажрибанинг бирор мисоли ҳам қўлдан бой берилмаслиги, ишларимизнинг янада яхшиланишининг бирорта резерви ҳам эътибордан четда қолмаслиги учун амалий ёрдам кўрсатиш жуда муҳимдир. Ҳали ташаббускорлик ва принципиаллик етишмаётган партия ташкилотларига раҳбарлик савиясини ошириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш керак. Бу биринчи навбатда кам сонли партия ташкилотларига тааллуқлидир.

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловларни ўтказишда область партия комитетининг, шаҳар ва район партия комитетларининг барча аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, область, шаҳар, район партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг аъзолари, совет, хўжалик органларининг раҳбарлари, партия комитетларининг масъул ходимлари иштирок этишлари керак. Улар олдида коммунистлар йиғилишларида таклифлар киритиш, фикр-мулоҳазаларини билдиришдан иборат ўзларининг уставдаги ҳуқуқидан тўла даражада фойдаланишлари, ўзлари ва ўртоқларига юксак талабчанлик кўрсатишлари, ҳар бир партия аъзоси, ҳар бир раҳбарга принципиал баҳо беришлари имконият яратиш учун ҳамма нарсани қилиш вазифаси турибди. Бунда фақат қуруқ таҳқид, эришилган натижани рад этишнинг ўзи бўлмасдан мавжуд камчиликлар сабаблари чуқур таҳлил этилиши, тартиб ўрнатиш ва интизомни мустаҳкамлаш учун қатъий чоралар кўриш тўғрисида таклифлар билдирилиши лозим. Қолоқ участкаларга алоҳида эътибор бериш, унга шахсан кимнинг айби билан йўл қўйилганлигини аниқлаш, қолоқликни бартараф этиш йўлларини белгилаш керак.

Йиғилишлар ва конференцияларда партия ташкилотларининг кадрлар масаласи бўйича ишлари батафсил анализ қилиниши лозим. Буни яна бир марта шунинг учун ҳам эслатиш лозимки, ҳали барча партия комитетлари ҳам кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига қатъий амал қилиш масъулиятини тўла ҳис этмаяптилар.

Партия, совет, давлат органларига область меҳнаткашларидан раҳбарларнинг мансабларини суиистеъмол қилаётганликлари, социал адолат принциплари бузилаётганлиги тўғрисида жуда кўп шикоят ва аризалар тушмоқда. Уларнинг кўпчилиги, афсуски, тасдиқланмоқда.

Апрель ойининг охирида Чиноз район партия комитети район халқ контроли комитетининг раиси Йўлдошевни ишдан бўшатди ва партиявий жавобгарликка тортди. Турмуш ўртоғи Валиқонов колхоз раиси бўлиб ишлаган вақтида қўшиб ёзишлар ва мансабини суиистеъмол қилганлигининг олдини олиш учун чора кўрмаганлиги учун Бўка район партия комитетининг секретари Азимхўжаева ишдан бўшатилди.

Ўзини обрўсизлантириб қўйганлардан қатъият билан ҳалос бўлиш, вазиятни соғломлаштириш, кадрлар составини янада мустаҳкамлаш ҳисобот ва сайловларнинг асосий амалий натижаси бўлиши керак. Кадрларни ўзгартиришдаги бутун кучғайрат ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмуш соҳаларидаги ишларни яхшилашга, эскилик иллатлари ва мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилиши лозим.

Кадрлар составини янада мустаҳкамлаш, хатоларга йўл қўйган кишилардан қатъият билан ҳалос бўлиш, кўпгина жойларда бузилган социал адолатни тиклаш, вазиятни соғломлаштириш ҳисобот ва сайловларнинг асосий амалий натижаси бўлиши керак. Кадрларни ўзгартиришдаги бутун кучғайратлар ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг ҳамма участкаларида ишларни яхшилашга эришишга, дадил ва қатъий қарорларни ҳаётга жорий этишишни таъминлаш, эскилик асорати ва мавжуд қийинчиликларни бартараф этишга қаратилиши керак.

Ҳамма жойда бирор кимсанинг соя-салқинда бўлишига, оғир меҳнатдан ўзини олиб қочиш, қандайдир вақт ишларнинг аҳволи учун масъулиятдан қутилиш имконини бермайдиган шароит вужудга келтирилиши лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленумида яна бир бор таъкидлаб ўтилганидек, бу ҳақда ҳеч ким хом хаёлликка берилмаслиги зарур. Бунинг учун бирор ходим, у қандай лавозимда бўлмасин, ҳам тепадан — раҳбарлари томонидан, ҳам пастдан — ишдаги ўз ўртоқлари томонидан назорат қилинишдан четда қолмаслиги керак. Бу интизом ва тартибни мустаҳкамлашнинг, масъулиятсизлик ва ўзибўларчиликдан ҳалос бўлишнинг ягона тўғри йўлидир.

Коммунистларга, айниқса раҳбарларга талабчанликни кучайтиришнинг бундай таъсирчан воситасидан ҳамма бошланғич партия ташкилотлари ҳам фойдаланмаётганликларини рўй-рост айтиш керак. «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент медицина ва Ангрен педагогика институтлари, «Ташобҳсельстрой» трести, «Ташпромстрой» бирлашмаси партия ташкилотлари маъмурият фаолиятини бўш назорат қилмоқдалар, раҳбарлар ҳисоботларини камдан-кам тинглашади. Бу коллективларнинг раҳбарлари ишида кўпдан-кўп камчиликлар, нуқсонлар, баъзан эса суиистеъмолликлар мавжудлиги ҳам тасодифий эмас.

Раҳбар партия органларини сайлашга юксак талабчанлик ва партиявийлик позициясидан туриб ёндашиш керак. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларига чинакамига ташаббускор, принципиал, дадил ва қатъий иродали коммунистлар етакчилик қилиши учун ҳамма нарсани қилиш керак. Партия комитетлари, партбюро, маъмурият фаолиятини контрол қилиш бўйича комиссиялар составларига ҳақли равишда партия оммасининг обрў-эътиборини ва ишончини қозонган, раҳбар ходимлар билан муносабатларини «бузишдан» қўрқмайдиган, КПСС Устави ва партия турмуши нормаларини бузишга йўл қўяётганларга талабчан бўла оладиган кишилар кўрсатилиши лозим.

Сайлаб қўйиладиган активда партия ташкилоти составига кирувчи барча миллатлар вакиллари бўлиши тўғрисида, бу составда кўпроқ оддий ишчи ва колхозчилар, хотин-қизлар, халқ хўжалиги мутахассислари, ёш, истиқболли ходимлар бўлиши тўғрисида катта ғамхўрлик қилиш керак. Коммунистлар раҳбар партия органига сайлайдиган ҳар бир киши буни ўз ўртоқлари ишончининг қарзи деб баҳолаши ва бу ишончни қунделик меҳнати, шахсий намунаси, актив ҳаётий позицияси билан оқлашини таъминлаш жуда муҳимдир.

Советлар, касаба союз, комсомолга, халқ контроли органларига партиявий раҳбарликни кучайтириш, меҳнат коллективлари ролини ошириш, уларнинг масъулиятли социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда, меҳнаткашларни тарбиялаш интизом, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш учун курашдаги активликларини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳар тарафлама кўриб чиқиш ҳисобот-сайлов кампаниясининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Уларнинг ишида КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш муҳим ўрин тутиши керак. Яқин кунлар ичида область партия активи йиғилиши, шаҳар ва район активлари, меҳнаткашлар коллективларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Уларда КПСС Марказий Комитетининг бу қарорини ҳаётга татбиқ этиш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқилади.

КПСС XXVII съездига тайёргарлик масъулиятли паллага кирди, деди пировардида ўртоқ Т. А. Алимов. Съездни муносиб кутиб олиш учун шаҳар, район партия комитетлари, совет, хўжалик органлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари аниқ-пухта ҳаракат программасига эга бўлишлари керак.

Яқин вақт ичида шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ўз партия комитетларининг пленумлари ва коммунистлар йиғилишларида КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XX пленуми якунларини муҳокама қиладилар. Барча партия, совет, идеология қадрларининг кучғайратини КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўрсатмаларини чуқур тушунтиришга қаратиш, ҳар бир партия ташкилотига, ҳар бир меҳнат коллективига партиянинг умумий ишига, съездга тайёргарликка кўшадиган ҳиссаларини белгилаб олишларида кўмаклашиш, коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активликлари жўш уришини таъминлаш, съездолди социалистик мусобақасини янада авж олдириш лозим.

Ижодкорона меҳнат, сўз ва иш бирлиги, ташаббускорлик ва масъулият, талабчанлик ва интизом — бу КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездига тайёргарлик кўриш бутун ишида асосий шиорлар бўлиши керак.

Докладчи область коммунистлари барча меҳнаткашлари партия планларини ҳаётга татбиқ этиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини бутун чоралар билан ошириш, 1985 йил ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашни янада кучайтирадилар, КПСС XXVII съездини коммунистик қурилишда янги-янги ғалабалар билан кутиб оладилар, деб КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтирди.

* * *

Доклад юзасидан музокаралар бошланди.

Сўз Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаровга берилади. У ўтган тўрт ой якунлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки ярим процентга камайганлигини эътироф этди. Кўпгина кўрсаткичлар бўйича план топшириқларини бажара олмаётган корхоналар сони тобора ўсиб бормоқда. Йил бошидан бери кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш плани мунтазам тарзда бажарилмай келаяпти.

Капитал қурилиши соҳасидаги камчиликлар ҳам секинлиқ билан тугатилмоқда. Уй-жой ва социал-маиший объектлар қурилишидаги қолоқлик эса тугатилгани йўқ.

Район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективларининг муваффақиятли ишлашини таъминлай олмаётган ва қолоқликни бартараф этолмаётган 56 раҳбар коммунистнинг фаолиятини таҳлил қилиб чиқдилар. Улар орасида, граммпластинкалар заводидан Ю. В. Кротков, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасидан С. П. Тетушкин, «Ўртоқ» кондитер фабрикасидан А. М. Берлянд, тамаки фабрикасидан А. Ю. Маҳмудовлар бор эди. Бир қатор раҳбарлар қаттиқ партиявий жазо олдилар. С. П. Тетушкин эса «Узбекхлопкомаш» бирлашмаси бош директори вазифасида ишлаши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳали талабга жавоб бермайди. Қўл меҳнати халқ хўжалигининг етакчи тармоқларида камайماяпти. 40 процентдан ортиқ иш қўлда бажарилаяпти. Енгил, озиқ-овқат, махсус монтаж, бинокорлик материаллари саноати министрликларига қарашли корхоналарда илғор техника ва технология сust жорий этилмоқда.

Нотиқ меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш юзасидан ҳали кўп иш қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш бўйича қабул қилган қарори асосида ҳам муҳим тадбирлар белгиланиши зарур. Нотиқ уй-жой қурилишидаги камчиликлар ва уй-жой тақсимотидаги нотўғри хатти-ҳаракатларни зудлик билан бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилаётганлигини маълум қилди.

— Ишчилар КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорларини, ўртоқ М. С. Горбачев докладда баён этилган қоида ва хулосаларни қизғин қўллаб-қувватлаётган тадбирлар ҳақида ҳам гапириб ўтди. Партия ташкилотлари жанговарлигини кўриги давом этмоқда. Ҳисобот ва сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. КПСС Марказий Комитетининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш бўйича қабул қилган қарорини бажариш юзасидан зарур чоралар кўрилаяпти.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В. Н. Журавлев самолётсозлар ва корхона партия ташкилоти олиб бораётган ишлар ҳақида батафсил тўхталди. Биринчи квартал якунлари бўйича коллектив шундай ҳоллар ҳам бўладики, ишга келган ишчи маълум вақт бекор туради. Чунки зарур материаллар ва заготовкалар билан у ўз вақтида таъминланмаган бўлади. Бригадирлар кўп ҳолларда ўз вазифаларини яхши билмайдилар, ишлаб чиқаришни аниқ ташкил этишга қийналадилар.

Бизда партия ва касаба союз йиғилишлари, ягона сиёсий кунлар мунтазам ўтиб турибди. Министрликлар ва главкаларнинг раҳбарлари билан тез-тез учрашиб туришни истаймиз. Шундай учрашувларда материал ва механизмлар таъминотидаги узилишларни тугатиш юзасидан очиқчасига гаплашиб олишни истаймиз.

Шаҳар меҳнаткашларини яна бир масала қизиқтиради. У ҳам бўлса уй-жой, болалар ва медицина муассасалари қурилишидаги қолоқликдир. Ремонт-механика заводининг маиший корпуси, сабзавот базаси ва бошқа объектлар қурилиши неча йиллардан бери олиб борилаётган бўлса-да, лекин уларнинг битишидан ҳали дарак йўқ.

Нотиқ бошқарма раҳбарлари ва партия ташкилоти адресига ҳам бир қатор танқидий гапларни айтди. Бошқармада техникани янгилаш устидан зарур чоралар кўрилмаяпти. Республика қурилиш министрлиги, «Узстроймеханизация» трести раҳбарлари бошқармани янги юк кўтариш механизмлари билан таъминлаш устида қайғуришлари керак.

Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. С. Раззоқов ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг резерв ва имкониятлари ҳақида гапирди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича шаҳар корхоналарида олиб борилаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмас. Ўтган 4 йил давомида ишлаб чиқариш ҳажми атиги 9 процентга, меҳнат унумдорлиги эса 7 процентга ошди. 45 процент иш ҳамон қўл кучи билан бажарилаяпти.

Республика енгил, озиқ-овқат ва мебель саноати министрликлари янги қувватларни ишга тушириш учун маълум миқдорда маблағ ажратадилар аммо ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш масалалари устида кам бош қотирадилар. Шу боисдан ҳам тўртта корхона маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик планини бажара олмаяпти.

Шаҳарни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар область ижроия комитетида узоқ вақтдан бери кўриб чиқилмади. Область план комиссияси бу масалани таҳлил қилиб чиқмади. Шаҳарда уй-жой муаммоси ҳамон кескин бўлиб турибди.

Нотиқ партия ташкилотлари жанговарлигини янада ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳақида ҳам гапириб ўтди. Партия ташкилотлари жанговарлиги кўриги давом этмоқда. Ҳисобот ва сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. КПСС Марказий Комитетининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш бўйича қабул қилган қарорини бажариш юзасидан зарур чоралар кўрилаяпти.

Нотиқ «Оққўрғон» ва С. Сегизбоев номли совхозларнинг чорвачилик фермалари реконструкция қилишга муҳтож эканлигини билдирди.

Бўка районидаги «Ленинобод» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи. КПСС XXVI съезди делегати И. Хожибекованинг сўзларини пленум қатнашчилари зўр эътибор билан тингладилар. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида планлар тузатилмай белгиланган тарзда бажарилиши керак, деган вазифа қўйилди. Бригада аъзолари ишни мана шу талаблар асосида ташкил этиб юксак унумга эришмоқдалар. Коллектив кўп йиллардан бери пудрат усулида ишлаб келаяпти. 65 гектардаги гўза дуркун ўсаяпти. Қаторлар орасига сифатли ишлов берилаяпти. Коллектив бу йил рекорд ҳосил етиштириш мажбуриятини олган.

Тошкент районидаги Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари А. Умаров омма орасида олиб борилаётган ташкилотчилик, идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни таҳлил қилди. Кўрилаётган тадбирларнинг ҳаммаси беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришга, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтиришга ёрдам беряпти.

—Район, посёлка ва қишлоқ Советларининг қарийб 600 депутати бор,—деди Коммунистик район ижроия комитети раиси И. И. Ли.— 75 та доимий комиссия ва 50 та депутатлик группалари доимий ҳаракатдадир. Улар планларнинг бажарилишини таъминлашда, оммаиий ижодий активлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқдалар. Шунга қарамай, нохуш ҳоллар учраб турибди. «Политотдел» ва «Ленинский путь» колхозларида содир бўлган кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишлар, саноат корхоналари ва маиший хизмат соҳасидаги камчиликлар доимий комиссиялар ҳамда депутатлик группаларининг ҳамон сust ишлаётганлигини билдиради.

Масъул раҳбарлар ҳамиша оммага таяниб иш кўришлари, активлар куч-ғайратини оширишлари керак. Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга, меҳнат ва истеъмол меъёри устидан назоратни кучайтиришга жалб этишлари лозим. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузилиб турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўтган ойларда саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида назоратнинг сустлиги учун ҳам кўпгина иш вақти беҳуда йўқотилди. Ҳар икки саноат ва маиший хизмат корхонасидан бирида белгиланган иш тартиби бузилиб турибди. Бундай ҳоллар билан келишиб бўлмайди. Ҳозирги кунда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш бўйича кўрилаётган чораларни янада кучайтириш зарур.

И. И. Ли агросаноат комплексини бошқариш тартибини янада такомиллаштириш зарурлигини уқтирди. Ҳозир босқичма босқич бажарилаётган ишлар жуда ҳам кўпайиб кетган. РАПО шериклари зиммасига ҳар хил вазифа юкланган. Республика мевасабзавот хўжалиги министрлигига қарашли совхозларда уй-жой ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши сust олиб борилаётганлигини ҳам у танқид қилиб ўтди.

Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплексининг директори Г. П. Гриценко хўжалик фаолиятини тубдан яхшилашга ёрдам берувчи бир қатор таклифлар билан чиқди. Партия ташкилоти ҳар бир ходимнинг ўз ўрнида самарали меҳнат қилиши устида алоҳида қайғурмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг кадрларни ишлаб чиқариш участкаларига жойлаштириш, коллективни чорва маҳсулдорлигини оширишга сафарбар этиш, илғор иш усулларини жорий қилиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Совхоз-саноат комплексида меҳнатни бригада усулида ташкил этишга эътибор тобора кучаймоқда. Коллектив аъзоларининг 44 проценти шу усулда ишлаяпти. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада ошириш га ёрдам бераяпти.

Нотиқ фойдаланилмаётган резервлар устида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Ўтган йили саноат комплекси 8300 тонна маҳсулот ишлаб чиқарди ва давлатга сотди. Бу лойиҳа қувватида кўзда тутилганидан анча камдир. Бу йил қувватларнинг 80 процентидан фойдаланиб қутилмоқда. Иш вақтининг беҳуда йўқотилаётганлиги, ҳаражатларнинг кўплиги шунга олиб келаяпти. Техника ва озуқани талон-тарож қилиш қоллари ҳам учраб турибди. 6-участкада салкам 400 бош чўчқа етишмай турибди. Шунинг учун ҳам участка бошлиғи М. Иброев ўз вазифасидан бўшатилди ва иши тергов органларига ошириллди.

Нотиқ 50 процент иш қўл кучи билан бажарилаётганлигини билдирди. Бунда «Госкомсельхозтехника»га қараш. ли махсус монтаж бошқармасининг **айби ҳам бор. Бу таш** килот ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ишларини чўзиб юборяпти. Комплексни янги техника ва технология билан таъминлаш устида «Госкомсельхозтехника» раҳбарлари қайғурсалар айни муддао бўлур эди.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

18 майда область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия раиси А. Н. Кудинов комиссиянинг 1985 йил тўрт ойи ичидаги иши якунлари тўғрисида ахборот берди.

Контрол-ревизия ишларини кучайтириш, бўлажак область XXII партия конференциясига ҳисоботни тайёрлаш тадбирлари белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ IX ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XXII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Тошкент область XXII партия конференцияси 1986 йил 18 январда чақирилсин:

2. Конференциянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1) Ўзбекистон Компартияси область комитетининг иши тўғрисида ҳисобот.

Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. А. Алимов.

2) Область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг иши тўғрисида ҳисобот.

Докладчи — область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ А. Н. Кудинов.

3) «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган асосий йўналишлари» юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига лойиҳаси тўғрисида.

Докладчи—область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ С. М. Нестеренко.

4) Сайловлар:

Ўзбекистон Компартияси область комитетини сайлаш;

область партия ташкилоти ревизия комиссиясини сайлаш;

Ўзбекистон Компартияси XXI съездига делегатлар сайлаш;

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига делегатлар сайлаш.

3. Область XXII партия конференциясига вакиллик нормаси 250 КПСС аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

4. Область XXII партия конференциясига делегатлар КПСС Уставига мувофиқ шаҳар, район партия конференцияларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланади.

Совет Армияси, ички қўшинлар партия ташкилотларида турувчи коммунистлар область XXII партия конференциясига делегатларни тегишли территориал партия ташкилотлари билан биргаликда шаҳар, район партия конференцияларида сайлайдилар.

5. Область XXII партия конференцияси арафасидаги ҳисобот-сайлов кампанияси қуйидаги муддатларда: партия группалари ва цех партия ташкилотларидаги йиғилишлар — 1985 йил 1 августдан 25 сентябргача, бошланғич партия ташкилотларида — 1 октябрдан 15 ноябргача; район шаҳар партия конференциялари—ноябрь— декабрь ойларида ўтказилсин.

Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайловлар давомида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумлари қарорларини бажариш юзасидан қилинган ишларни ҳар томонлама кўриб чиқсинлар, хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги масалаларини, ташкилий-партиявий ва идеологик фаолиятнинг аҳволини батафсил муҳокама қилсинлар, мавжуд камчиликларни аниқлаб, уларнинг сабабларини очиб ташласинлар, партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, уюшқоқликни ошириш, кадрларга нисбатан талабчанликни кучайтириш тадбирларини белгиласинлар.

Йиғилишлар ва конференцияларда ишчанлик, принципиаллик, эришилган натижаларга нисбатан ўз-ўзини танқид руҳида ёндашишни таъминлаш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилсин. Ҳисоботлар ва сайловлар партия ҳаёти ленинча нормаларини янада мустаҳкамлашга, ички партия демократиясини, юқоридан ва пастдан бўладиган танқидни ривожлантиришга, коммунистлар активлиги ва ташаббусини ўстиришга, уларнинг авангардлик ролини кучайтиришга, ўз ташкилотлари ва коллективлари иши учун масъулиятини оширишга ёрдам беришига эришилсин.

Ҳисоботлар ва сайловлар давомида сайланиб қўйиладиган активнинг сифат состави яхшилансин, раҳбарлик органларига коллективларда ҳурматга сазовор, юксак аҳлоқий фазилатларга ва принципиалликка эга бўлган ҳақиқатан энг обрўли коммунистлар сайлансин. Сайлаб қўйиладиган органларга партия ташкилотлари составига кирувчи барча миллатлар вакиллари, илғор ишчилар, колхозчилар, халқ хўжалиги мутахассислари, хотин-қизлар кўтарилишига алоҳида эътибор берилсин.

Область партия комитети бўлимлари, шаҳар, район партия комитетлари, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг партия бюролари, ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини тайёрлаш ва ўтказишни, ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиш ва амалга оширишни доимий назорат қилсинлар, ҳисобот-сайлов кампанияси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилсин.

Ҳисоботлар ва сайловлар давомида коммунистлар, меҳнат коллективлари куч-ғайратини съездолди социалистик мусобақасини авж олдиришга, 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга, ўн иккинчи беш йиллик планларини бажаришга ўз вақтида ва намунали тайёрланишга, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб кутиб олишга йўналтириш область партия комитети бўлимлари, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг бош вазифаси деб ҳисобласин.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Р. 05832. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, ИНДЕКС: 64684. А. 1706. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12